

4-SHO‘BA

O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTINI YANADA RIVOJLANTIRISHGA XIZMAT QILUVCHI DEMOGRAFIK SALOHİYATLARDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИШ ЖОЙЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

Умурзаков Баҳодир
и.ф.д., проф. ТДИУ ҳузуридаги “Иқтисодиётини
Ривожлантиришининг илмий асослари
ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
“Демография ва меҳнат бозори сектори” мудири

Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш босқичида янги иш жойларни барпо этиш, аввалам бор ҳудудлардаги меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, шу жумладан, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар миқдори, ҳаққоний мавжуд ишсиз фуқаролар, пенсия ёшидагилар пенсияга чиқишни расмийлаштирганлар, муддатли ҳарбий хизматдан демобилизация бўлганлар ҳамда хориждаги меҳнат миграциясидан қайтганлардан иборатдир.⁴⁷

Худудларда янги ташкил қилинаётган иш жойларини ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш ҳамда ҳисоботга олиш тартиблари кенгайтирилган таҳлил ва илмий-ташкилий жиҳатидан асосланган тарзда россиялик олимлар томонидан 2014 йили илк бор ишлаб чиқилган эди. Ушбу ишлаб чиқилган тартибда янги иш жойларини ташкил этиш, уларни қабул қилиш жараёнини баённома асосида расмийлаштириш, мавжуд иш жойларини қисқартиришни расмийлаштириш, ишчи (ҳодимларни) ишга олиш ва ишдан озод этиш жараёни билан бевосита тарзда келтирилган⁴⁸.

Барпо этиладиган янги иш жойларни комплекс равишда расман ҳисобга олиш ва ҳисоботга киритиш, аҳолини ишга жалб қилиш тадбирларини самарали равишда амалга оширишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлари” мавзусидаги 2017 йил 24 май куни 3001 сонли Қарори билан тасдиқланган “Янги иш жойларини барпо этиш буюртмасини шакллантириш тартиби” асосида амал қилади ҳамда “Аҳоли бандлиги” тўғрисидаги (2020 йил 20 октябрда қабул қилинган, 22 ва 23 моддалар) Ўзбекистон Республикаси қонунида бунинг ташкилий ва ҳуқуқий механизми кўзда тутилган.

⁴⁷ Так, в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы предусмотрено трудоустройство 160 тыс. вернувшихся трудовых мигрантов (пункт 314 Приложения №1).

⁴⁸ В.Е.Гимпельсон, О.Б.Жихарева, Р.И.Капельюшников «Движение рабочих мест: что говорит российская статистика». Москва, 2014, с.4-9, 37-38.

“Янги иш жойларини барпо этиш давлат буюртмаси” – бу маҳаллий давлат идоралари томонидан (вилоят, туман, шаҳар тумани хокимининг Биринчи ўринбосари имзоси билан тасдиқланадиган) жорий йилда марказлашган давлат инвестициялар ҳисобидан иш берувчиларга ҳамда қурулиш ташкилотларига жорий йилнинг маълум бир белгиланган муддатда (ой, ёки чорақда) конкрет миқдордаги янги иш жойларни белгиланган ташкилий – техник, санитария-гигиена ҳамда технологик талабларига мувофиқ ишчи-ходимларнинг муносиб меҳнат талабларига жавоб бера оладиган янги иш жойларни барпо этиш дастури ҳисобланади.

Худудларда ҳар йили янги иш жойларини барпо этиш давлат буюртмасида маҳаллий давлат ва хўжалик бошқарув идораларида худудий меҳнат ресурсларининг башорат ривожланиш миқдорига асосланган ҳамда вилоятда барча соҳалардаги корхоналарнинг инвестицион дастурларига кирган модернизациялаш, ёки комплекс ривожланиш кўрсаткичлари асосида тайёрланади.

Худудда янги иш жойларини барпо этиш миқдорлари ҳар йили қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланиши кўзда тутилган:

➤ ишлаб чиқариш қувватларни янги қурулиши ва амалдаги эскиларини кенгайтириш ҳисобига ташкил этиладиган иш жойлар;

➤ аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишлари бўйича, ишлаб чиқариш, янги ижтимоий ва бозор инфратузилмаларни ишга тушуриш, янги уй-жойлардаги қурулиш объектларини ишга тушуриши;

➤ қишлоқ хўжалик экинлар ерларини кенгайтириш, янги боғлар ва узумзорларни барпо этиш ҳамда чорвачиликни ошириб бориш ҳисобига, агро технологиялар йўналишлари ва миқдорларини кескин кўпайтириши ;

➤ аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиш фаолигининг ошиши, тадбиркорликнинг янги субъектлари шаклланиши, хунармандлик кенгайтиши, тижорат банклари томонидан янги иш жойларини барпо этишга кредитлар ажратилиши;

➤ хусусийлаштирилган корхоналарни иқтисодий ривожлантириш “йўл ҳариталари”нинг вужудга келиши, давлат тасарруфидаги корхоналарни ижарага бериш ҳамда ишлатилмаётган иншоот ва иморатларни инвестицион ва ижтимоий мажбуриятлар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини самарали юритиш учун “нол”миқдордаги харид қиймати билан сотиш.

Албатта, янги иш жойларнинг ташкил этилиши аввалам бор ўша иш жойларида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш талабларини, бозордаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизмат турларининг аҳоли эҳтиёжига мақбуллигини билиш учун юқори малакали касб соҳиби ишлашини тақозо этади, чунки фақат малакали шахс ўша иш жойининг эгаси сифатида тезда профессионал кўникма хосил қилиб, самарали фаолият кўрсата олиш имконига эга бўлади.

Шу муносабат билан, ишчи профессионал касб эгалари доимий равишда ишга ўзининг лаёқатлигини юқори даражада сақлаб қолиш учун кенг компетентлик (қодирлик) имкон берувчи малака ошириш ўқув масканларини ташкил этишимиз зарур.

Булар орасида:

- 1) ишчи касб-хунар эгаларини узлуксиз равишда малакасини ошириб бориш;
- 2) ёшлар ва, айниқса, аёлларнинг профессионал укувларини ривожлантириш ҳамда янги ташкил этилган иш жойларига кўникмаларини мослаштириб боришга кўмаклашиш;
- 3) меҳнат бозоридан ташқарида фаолият кўрсатаётган шахсларга ҳам малакасини ошириш ва янги касбларга қайта ўқитиш имконини ташкиллаштириш⁴⁹.

Ўзбекистон шароитида ушбу тартибни ишлаб чиқиш ва уни янги инновацион шароитда амалга жорий этиш вақти келди. Бу янги тартибни жорий этиш ижтимоий-иқтисодий ниҳоятда муҳимлиги янги ташки этиладиган иш жойларни истиқболли режа асосида ва мақсадли ташкил этилиши улардан ҳаққоний ҳамда юқори самарали фойдаланиш имконини беради, давлатимиз меҳнат бозорида ҳақиқий бозор талабларига мос иш кучини таклифи ва эҳтиёжи ўртасидаги соғлом мувозанатни такомиллаштириб бориш, иш берувчиларни муносиб иш жойларини ташкил этиш ва сақлаб қолишда маъсулиятини оширади.

Бу масаланинг яна бир муҳим тарафи – иш жойи, бу фақатгина бир жисмоний субстанция шаклида эмас (стол, компьютер, асбоб - анжом), балким балким билимга, тажрибага ва юксак технологик жараёнларини бир мураккаб қисмини ишлата оладиган шахсга тўлақонли имкон берувчи муҳит деб тушунишимиз керак. Ушбу шахснинг малакавий даражасига муносиб муҳитгина малакали мутахассис, ёки юқори малакага эга касб эгасининг меҳнат фаоллигини ошириб боради, унинг даромад миқдорини узлуксиз ошириб боради. Мисол тариқасида, ўқитувчи, ёки шифокорнинг жихозланган иш жойи уларнинг малакавий салоҳиятини янада ошириб ривожлантиради, аксинча бўлса меҳнат фаолияти, маъсулият ва сифат талаблари кун сайин пасайиб, оҳироқибат йўқолиб боради.

Янги иш жойларни барпо этиш аввалам бор ўша худудда белгиланган йиллик ва истиқболлик параметрлари давлат инновацион дастурлари асосида ҳамда аҳолининг демографик ривожланиш кўрсаткичлари билан мувофиқлариштирилган холда қаерда, қачон ва қайси йўналишлар бўйича қанча мивдорда янги иш жойлари, ўшалардан қанчаси кенгайтирилган ва реконструкция қилинган иморат ва иншоотлар ҳамда ажратилган ерларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва агротехнологиялар бўйича иш жойларнинг сони белгиланиб чиқилади.

Янги иш жойларига режали йилга худудда бўладиган эҳтиёж миқдори аниқланганда янги иш жойларни шакллантириш буюртма миқдори ишлаб чиқилади.

- а) ишсизлар орасида иш ахтараётганлар миқдори;

⁴⁹ Какое будущее у достойного труда в Европе и Центральной Азии: возможности и вызовы. МБТ, 2017, с.47-48, 62-64.

б) режали йилда хуудга республика ўқув олийгоҳларини , коллеж ва ўқув масканларни битирувчилар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келувчилар миқдори белгиланади;

в) бу рўйхатга корхона ва муассасалардан ишдан тизимли ислохотлар асосида бўшаганлар киради;

г) мавсумий ва вақтинчалик ишларни бажариб юрган шахслар, выполняющих временные разовые работы;

д) хориждан қайтиб келиб, иш ахтараётганла миқдори;

е) ҳарбий хизматдан демобилизация бўлганлар;

Юқорида қайд этилган ташкилий-ҳуқуқий ва статистик талабларига мувофиқ ташкил қилинадиган янги иш жойларини ҳисобга олиш ва жойларда ушбу ҳисоботлар таҳлили асосида мутахассисларга ва касб-ҳунар эгаларини тайёрлашга қаратилган давлат тадбирлари самадорлигини сезиларли даражада ошириб боради.

HAVONING IFLOSLANISHINING BARQAROR RIVOJLANISHGA TA`SIRI: TOSHKENT SHAHRI MISOLIDA

Usmanov Anvar

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
huzuridagi “O`zbekiston iqtisodiyotini
rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari”
ilmiy tadqiqot markazi bosh ilmiy xodimi,
G.V.Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot
universitetining Toshkent shahridagi
filiali, kafedra professori*

Xamdamonv Shoh-Jaxon

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
huzuridagi “O`zbekiston iqtisodiyotini
rivojlantirishning ilmiy asoslar va muammolari”
ilmiy tadqiqot markazi tadqiqotchisi, PhD*

Toshkent shahridagi havoning ifloslanishi jiddiy muammo bo'lib qolmoqda. 2024 yil boshida shahar dunyoning eng iflos havo sifatiga ega shaharlar reytingida 4-o'rin egalladi . Shahar aholisiga niqob taqish, derazalarni yopiq tutish va uy ichidagi havoni namlantirish kabi choralarni ko'rish tavsiya etilgan .

2023 yil 29 dekabr kuni O`zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyev boshchiligida bo‘lib o‘tgan yig‘ilishda president bosh vazir Abulla Aripovga 2025 yildan Ai-80 markali benzindan voz kechish masalasini uzil-kesil hal qilish bo‘yicha topshiriq berdi[1].

Ekologiya vazirligi Toshkent shahrida atmosfera havosini ifloslantiruvchi asosiy omillar deya sifatsiz yonilg‘ida ishlaydigan avtotransport vositalaridan chiqayotgan